⁵ Ибрат. Фарғона тарихи / Тарихий эссе / Таҳрир хайъати: Б.Ахмедов ва бошқ. – Тошкент: Камалак, 1991; Қосимов Б. Исмоилбек Гаспрали. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992; Есенбоев З. Матбуотимиз фидойилари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993; Жалолов А., Ўзганбоев Ҳ. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни. – Тошкент: Фан, 1993; Долимов У. Исҳоқхон Ибрат. – Тошкент: Шарқ, 1994; Қосимов Б. Маслакдошлар. – Тошкент: Шарқ, 1994; Чуст тарихи / Намиддин Файзиддин ўғли Муҳаммад Хаким ва бошқ. – Чуст: Чуст шаҳар босмахонаси, 1995; Наманган туманининг ўтмиши ва бугуни / масъул муҳаррир: Абдуфаттоҳ Ражабов. – Тошкент: Университет, 1996; Алимова Д.А. Джадидизм с Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость. – Ташкент: Ўзбекистон, 2000; Есенбоев З. И. Матбуотга бахшида умр. – Ташкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001; Абдуазизова Н.А. Туркистон матбуотининг тарихи (1870-1917). – Тошкент: Академия, 2000; Абдуазизова Н.А. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Тошкент: Академия, 2002; Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Тошкент: Маънавият, 2002; Исҳоқхон тўра Ибрат. Танланган асарлар / масъул муҳаррир: Бегали Қосимов. – Тошкент: Маънавият, 2005; Халилбеков А. Наманган адабий гулшани. – Наманган: Наманган нашриёти, 2007; Дустқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009; Фарғона журналистикаси / тузувчи ва масъул муҳаррир М.Обидов. – Тошкент: Шарқ, 2009; Каримов И.А. Узбекистан на пороге достижения независимости. – Ташкент: Узбекистан, 2011; Содиқов Ҳ, Жўраев Н. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2011; Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Китоблар 1-3. – Тошкент: Akademnashr, 2017; Қосимова Н. Фотожурналистика. – Тошкент: Turon-iqbol, 2018; Abduazizova N. History of national journalism. – Tashkent: Uzbekistan, 2021.

⁶ Агзамходжаев С. История Туркестанской автономии (Туркистон мухторияти). – Ташкент: Тошкент ислом университети, 2008; Абдуазизова Н. Тафаккур шажараси. Ноширлик тарихидан лавҳалар. – Ташкент: Маънавият, 2008; Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. – Тошкент: Yangi nashr, 2011; Ҳайдаров М. Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими: шаклланиши, босқичлари ва моҳияти (1917 - 1941 йй.). – Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2012; Расулов А., Исоқбоев А. Туркистон ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида татарлар. – Тошкент: Turon-iqbol, 2019.

ишлар⁷, илмий тадқиқот ишлари⁸ ва мавзу доирасида чоп этилган мақолалар⁹га алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Тўртинчи гуруҳга кирувчи хорижий муаллифларнинг асарларида совет ҳокимияти йиллари Ўзбекистон ССР ҳақида, қисман Фарғона водийси ҳақида

⁷ Ўзбекистоннинг янги тарихи. II-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарк, 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – Ташкент: Шарк, 2000; Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йй.). К. I-II. / масъул муҳаррирлар Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2019; Очерки по истории государственности: политика, экономика, культура. – Ташкент: Turon-iqbol, 2020.

⁸ Раджабов К. Истиклолчилик ҳаракати в Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1918-1924 гг.). Автореф. дисс ... канд. истор. наук. – Ташкент, 1995; Худойкулов А.М. Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX-начало XX в.). Дисс. ... канд. истор. наук. – Ташкент, 1995; Эргашева Ю. А. Культура Узбекистана: состояние, тенденции и проблемы развития (50-60-е годы). Автореф. дисс. ... докт. истор. наук. – Ташкент, 1998; Хасанов Б.В. Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы 1917- начала 50-х годов. Автореф. дисс.... докт. истор. наук. – Ташкент, 1998; Козаков Т.К. Общественно-политическое положение в Ферганской долине и джадидское движение в начале XX века. Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. - Ташкент, 2001; Вохидова К.А. Исхакхан Жунайдуллоходжа Ибрат и его научно – историческое наследие. Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Ташкент, 2002; Ражабова Д.Н. Проблемы молодёжи и женщин в воззрениях джадидов Туркестана (конец XIX – начало XX вв.). Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Ташкент, 2003; А.Расулов. Туркистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида татар-бошқирд маърифатпарварларининг фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих фан. ном. ... дисс. автореф. – Наманган, 2008; Турсунов Р.Н. Воззрения национальных прогрессистов на социально-экономические процессы в Туркестане в начале XX века. Автореф. дисс ... канд. истор. наук. – Ташкент, 2008; Юнусова Х.Э. Социально-экономические процессы и духовная жизнь в Узбекистане в 80-х годах XX века. Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент, 2009; Шадманова С.Б. Вопросы социально-экономического и культурного положения Туркестана на страницах периодической печати (1870- 1917 гг.). Дисс. ... докт. истор. наук. – Ташкент, 2011; Мансуров У.У. 1917-1924 йилларда Фарғона водийси шаҳарлари тарихи. Т.ф.ф.д (PhD) дисс... автореф. – Тошкент, 2018; Орзиев М.З. XIX аср охири – XX аср биринчи чорагида Бухорода босмахона, наشريёт ва матбуот иши. Т.ф.ф.д (PhD) дисс... автореф. – Тошкент, 2020; Комилов Н.Б. Туркистон жадидларидан Обиджон Махмудовнинг ҳаёти, ижтимоий-сиёсий, маданий фаолияти (1871-1936 йй.). Т.ф.ф.д (PhD) дисс... автореф. – Андижон, 2021.

⁹ Турдиев Ш. Среднеазиатские татары: роль и значение в культурной и политической жизни Туркестана первой четверти XX в. // Ислам в татарском мире: история и современность. – Казань, 1997; Алимова Д. Жадидчилик мустақиллик даври тарихчиси талқинида // Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. – Тошкент: Эльдинур, 1998; Исоқбоев А. Наманган маорифи ва матбуоти таракқиёти йулида // Тарих тилга кирганда... Даврий тўплам. – № 1. – Наманган, 2007; Шадманова С.Б. “Туркистон вилоятининг газети” и ее авторы // IV Востоковедческие чтения памяти Н.П.Остроумова. Сборник материалов. – Москва, 2014. – С. 83-94; Шадманова С.Б. “Садои Туркистон” ва “Садои Фарғона” газеталари саҳифаларида хотин-қизлар масалаларининг ёритилиши // Миллий матбуотимизнинг икки дурдонаси. – Тошкент, 2015, – Б.39-45; Шадманова С.Б. Алимова Н. Туркистон матбуотида пиллачиликнинг ахволи, ундаги ўзгаришлар ва муаммоларнинг ёритилиши // Iltiy xabarнома. – № 3. – Андижон, 2016. – Б. 57-59; Шадманова С.Б. XIX аср охири – XX аср бошларидаги Туркистон даврий матбуоти тарихи хорижий тадқиқотчилар нигоҳида // Актуальные проблемы историографии всемирной истории. Жаҳон тарихи кафедрасининг илмий ишлар тўплами. II жилд. – Тошкент, 2016. – Б.148-153; Шадманова С.Б. Фарғона вилояти матбуоти: вужудга келиши, йўналиши ва фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари) // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда мавзусидаги IV Республика илмий-назарий анжумани материаллари (Фарғона, 2017 йил 25 май). – Фарғона, 2017. - Б. 167-173; Шадманова С.Б. “Садои Фарғона” газетаси Туркистон тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири // “Садои Фарғона” газетаси кўрсаткичи. – Тошкент, 2017. - Б. 5-12; Шадманова С.Б. Туркистон матбуотида турли фан соҳаларига оид масалалар талқини (XIX асрнинг охири – XX аср бошлари) / Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар. Илмий мақолалар тўплами. К.10. – Тошкент, 2017. – Б.17-25; Шадманова С.Б. Араб мамлакатлари ва Туркистонда даврий матбуот: вужудга келиши, йўналишлари ва фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари) / Хорижий Шарк мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари. Вазирлик миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами (Тошкент, 2017 йил 27 май). – Тошкент, 2017. – Б.42-47; Тоғаев Т.М. Ашуралӣ Зоҳирӣ – жадид курашчиси / Материалы IV-форума гуманитарных наук “Великая степь”. II-том, – Нур-султан, 2019; Расулов А.Н., Исоқбоев А.А. Татарское просветительство и система национального образования в Туркестане (конец XIX – начало XX вв.) // Историческая этнология. – Москва, 2020. Том V, – № 1.

умумий маълумотлар ғарбий Европа давлатлари мутахассисларининг¹⁰ асарларида учраса-да, миллий давр матбуоти тарихига оид тадқиқотлар деярли йўқ.

Қрим-татар педагоги И.Гаспринский ва унинг оиласининг нашриёт-чилик фаолияти тадқиқ қилинган¹¹ илмий ишлар туфайли миллий даврий матбуот билан боғлиқ бўшлиқ амалда тўлдирилди. Жумладан, муаллифлар Фарғонадаги замонавий этник жараёнларнинг келиб чиқиши, унда яшовчи этник гуруҳларнинг ўрганиш тарихи, кейинги йиллардаги этник низоларнинг сабаблари ва Ўрта Осиё мустақил давлатларининг миллий мафқураси мазмуни таҳлил қилдилар¹². Шунингдек, соҳа вакилларига нисбатан совет ҳукумати қатағон сиёсати, жадидлар, миллий даврий матбуот асосчилари О.Маҳмудова, И.Ибрат, З.Валидий ва бошқалар ижоди кабилар тадқиқ этилганини, Туркистонда очарчилик ва унинг оқибатлари, жадидчиликда таълим ва тарбия масалалари, жадид матбуотининг пайдо бўлиши ва Туркистон мухториятини совет ҳукумати жиддий муаммо сифатида кўргани каби масалалар¹³ ёритилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Россия империясида яҳудийлар ҳаётининг турли жиҳатларига бағишланган жамоавий монографияда 1910 йил Фарғонада Бухоро яҳудийлари тилида биринчи маротаба “Раҳамим” газетасининг нашр этилгани, унда мустамлакачилик зулмига қарши қаратилган мақола ва шеърлар нашр этилгани ҳақида маълумот берилди¹⁴.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси таҳлили шуни кўрсатадики, Фарғона водийси даврий нашрлари тарихи тўлиқ, жиддий, илмий жиҳатдан ишланмаган. Бу ҳол танланган мавзуни алоҳида, чуқур ва атрофлича

¹⁰ Герхард С. Nationalismus und Nationalitätenpolitik in der Sowjetunion. Baden-Baden: Nomos-Verlagsgesellschaft 1986 (Osteuropa und der internationale Kommunismus 16) Zugl.: Köln, Univ., Habil. – Schrift 1986. ISBN 3-7890-1249-1; Rumer B.Z. Soviet Central Asia (A Tragic Experiment). – Boston: Unwin Human, 1989; Davies R.W. (ed). From Tsarism to the economy Policy. – London: Macmillan, 1990; Caroe Olaf. Soviet Empire. The Turks of Central Asia and Stalinism. London Macmillan and CoLtd. – New York st Martins Press, 1954; Alexandr G. Park. Bolshevism in Turkestan 1917-1927/ Columbia University. Press. New York, 1957; Geoffrey Wheeler. The modern history of Soviet Central Asia. – London. Weidenfeld and Nicolson, 1964; Акинёр Ш. Периодизация социально-культурного изменения в Центральной Азии (XIX-XXвека) / Независимость и история: новые подходы к изучению истории Узбекистана. Тезисы докладов международной научной конференции (15-17 апреля 1997 г.). – Ташкент, 1997. – С. 33-40.

¹¹ Ганкевич В.Ю. Роль Гаспринского и его семьи в развитии народного образования среди крымскотатарских женщин на рубеже XIX-XX веков // Крым и Россия: неразрывные исторические судьбы и культура. – Симферополь, 1994; Ганкевич В.Ю. На службе правде и просвещению: краткий биографический очерк Исмаила Гаспринского (1851–1914). – Симферополь, 2000; Богданович И.А. Газета “Терджиман” Исмаила Гаспринского и реформы Аужи Абибуллы // Исмаил Гаспринский – просветитель народов Востока. – Москва, 2001. С. 158-163; Он же. Роль газеты «Терджиман» у пропаганды реформаторских процесів у мусульманській громаді Російської імперії (1883–1905). – Запоріжжя, 2002; Бендерский В.В., Хмылёв В.Л. История отечественных средств массовой информации. – Томск: Издательство ТПУ, 2006.

¹² Morshedlau J. Jadidism, Islam and Russification: The Role of Jadidism in Cultural Change of Central Asia (1880-1930 уу.) // Historical sciences studies, 2016. Volume 7. Number 2. – P. 115; Khaleed A. The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia. – New York: University of California press, 1999; Routledge and Courzon, 2004; Khalid A. Muslim printers in Tsarist Central Asia: A research note // Central Asian survey. 1992. – № 11. – P. 128-136; Khalid A. Printing, Publishing, and Reform in Tsarist Central Asia // International Journal of Middle East Studies, 1999. – № 2. – P. 187-200; Khalid A. Making Uzbekistan. Nation, Empire, and Revolution in the Early USSR. – London, 2015.

¹³ Абашин С.Н., Бушков В.И. (отв. ред.) Ферганская долина: этничность, этнические процессы, этнические конфликты. – Москва: Наука, 2004. – 224 с.

¹⁴ История еврейского народа в России. От разделов Польши до падения Российской империи / Под ред. И.Лурье. Том II. – Москва: Мосты культуры/Гешарим, 2012.

диссертация доирасида ўрганишни белгилаб беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Жаҳон тарихи” кафедрасида 2019-2021 йилларда бажарилган И-ОТ-2019-26 рақамли “Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган ҳиссаси тўғрисида мультимедиа комплексини яратиш” мавзусидаги инновацион лойиҳасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XIX асрнинг охири – XX асрнинг 80-йилларида Фарғона водийсида даврий нашрларнинг шаклланиши ва ривожланиш тарихини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда даврий матбуотнинг шаклланишининг шарт-шароитлари ва хусусиятларини ҳамда унда ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётининг аксини таҳлил қилиш;

Фарғона водийси ҳудудларида давлат (расмий) ва хусусий матбуот фаолиятининг асосий босқичларини ёритиб бериш;

миллий даврий нашр ва матбаа ривожидида муассисларнинг ўрни ҳақидаги саволларни очиб бериш;

1917 йил март ойидан 1939-йилгача бўлган даврий матбуот ва матбаа тарихини ҳамда жамиятни мафкуралаштиришдаги ролини таҳлил қилиш;

Матбуот ва матбаа саноатидаги сиёсий таъқиблар ва қатағон қилинган соҳа вакиллари масалаларини тадқиқ этиш;

Иккинчи жаҳон уруши йиллари, урушдан кейинги йилларда даврий матбуот тузилмаси тарихини очиб бериш;

XX асрнинг 80 йиллари даврий матбуотида жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётининг акс этиши: ютуқлар, муаммолар ва қарама-қаршиликлар ҳақидаги янги маълумотларни илмий муомалага киритиш.

Тадқиқот объекти сифатида XIX аср охири – XX асрнинг 80-йилларида Фарғона водийсидаги вақтли матбуотнинг фаолияти тарихи белгиланган.

Тадқиқот предметини XIX аср охири – XX асрнинг 80-йилларида Фарғона водийси вақтли матбуотининг шаклланиши ва ривожланиш жараёнлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихий ва қиёсий таҳлил, муаммовий-хронологик, объективлик, тизимлаштириш ҳамда фанлараро ёндашув каби илмий тадқиқот усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XIX аср охири – XX аср бошлари Фарғона водийсида кўқонлик тарбиркорлар ташаббуси билан илк маротаба Р.Давидбаев раҳбарлигида иврит ёзувида бухоро-яхудийларининг миллий газетаси ҳамда маҳаллий илғор кучлар томонидан бошқирд татарлари билан ҳамкорликда Кўқонда И.А.Минаков, Бельскиецкий ва И.С.Шагиахметов, Фарғонада О.Махмудов, Г.А.Порцев, В.П.Дроздов, М.В.Кац-Нельсон босмаҳоналари ва Наманганда

И.Ибратнинг “Матбааи Исҳоқия” номли илк босмаҳоналари ташкил этилгани, уларда нашр этилган матбуот халқнинг сиёсий ва маънавий қарашларига ижобий таъсир кўрсатгани аниқланган;

Фарғона водийсига рус тилидаги матбуот кириб келгунига қадар илк миллий даврий матбуот “Андижон янгиликлари” (кейинчалик “Андижоннома”), “Фарғона саҳифаси” (кейинчалик “Наманган ҳақиқати”) каби вилоят газеталари нашр этилгани исботланган;

Фарғона водийсида “Садойи Фарғона”, “Тирик сўз”, “Ферганское эхо”, “Фарғона саҳифаси”, “Фарғона нидоси”, “Известие Андижана”, “Эл бай-роғи”, “Бирлик туғи”, “Известия Временного правительства Автономного Туркестана”, “Кенгаш”, “Юрт” каби газета ва журналлар мисолида миллий матбуотнинг шаклланиши ҳамда уларда маҳаллий маърифатпарварларнинг сиёсий қарашлари акс этганлиги сабабли мунтазам таъкиб қилингани аниқланган;

Иккинчи жаҳон уруши йиллари Намангандаги “За Коммунизм” ва “Сталин ҳақиқати”, Фарғонадаги “Коммунист” ва Андижондаги “Сталинское знамя” газеталарининг умумий ҳарбий соҳадаги мавзулари, динамикаси, сиёсий-ҳарбий рухлари ошганлиги ҳамда маҳаллий кўнгилли ҳарбий корреспондентларнинг сони кўпайгани далилланган;

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда халқ хўжалигига йўналтирилган тармоқ газеталар “Совет ипағи”, “Марғилон атласи”, “Пўлат йўлларда”, “Ўрта Осиё йўли”, “Ҳаёти нав”, “Пахта ғалабаси” каби совет мафқурасига хизмат қилувчи матбуот нашрлари кўпайганлиги, уларга кадрлар тайёрлаш учун колхоз ва совхозларда кўчма редакциялар фаолият олиб борганлиги, бироқ 1970-йиллардан мамлакат бюджетини тежаш мақсадида газеталар сони ва тиражи камайиб, 1980-йилларда газета саҳифаларида жамият сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти акс этган рухлар кўпайганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Наманган вилояти тарих ва маданият давлат музейини янги ахборот ҳамда экспозициялар билан тўлдириш мақсадида фойдаланилган;

биринчи маротаба Фарғона водийси даврий матбуоти тарихига оид кўплаб архив ҳужжатлари ва бошқа бирламчи маълумотлар илмий муомалага киритилган;

замонавий инновациялардан фойдаланиб таълим тизимидаги жараёнларида фойдаланиш мумкин бўлган илмий-назарий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тарих фанида эътироф этилган ёндашувлар ва усуллардан фойдаланиб, архив ҳужжатлари, адабиётлар ва мемуарларнинг кўп қисмини жалб қилиш, уларнинг аксарияти асосий манбаларга асосланган, хулосалар, таклифлар ва тавсияларни амалда қўллаш ва ваколатли органлар томонидан олинган натижаларни тасдиқлаш билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот

натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, XIX асрнинг охири – XX асрнинг 80-йилларида Фарғона водийси матбуоти фаолияти тарихий-қиёсий, муаммоли-хронологик усуллар, объективлик тамойиллари асосида тизимли ва композицион таҳлилдан фойдаланган ҳолда ёритилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертация материалларидан Фарғона водийси тарихи ва маданияти вилоят давлат музейлари экспозицияларини янги тарихий фактлар билан бойитишда, олий ўқув юртлари талабалари учун Ўзбекистон тарихи (мустамлака ва совет даври)га оид дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XIX аср охири – XX асрнинг 80-йилларида Фарғона водийсида вақтли матбуот ва матбаа ишларига оид тадқиқотлар бўйича ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар қуйидагилардан иборат:

Туркистон Россия империяси томонидан босиб олинган, Тошкентга олиб келинган кичик босмаҳоналар, Ўрта Осиёда биринчи газета бўлган – “Туркестанские ведомости” Туркистон генарал-губернаторлигининг расмий органи бўлгани, ўлкада расмий газеталар билан бир қаторда рус тилида хусусий газеталар нашр этилгани, жадид маърифатпарварларининг ташаббуси билан нашр этилган газеталар ўзбек маданияти тарихида муҳим воқеа бўлиб, миллий матбуот яратилгани ҳамда Фарғона водийсининг биринчи расмий нашри «Ферганские областные ведомости» бўлгани, матбуот шаклланишида Фарғона водийси матбуоти, ўз тараққиёти учта йирик босқични босиб ўтганлиги ҳақидаги натижалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston tarixi” телеканалда эфирга узатилган “Тақдимот” кўрсатувининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 28 январдаги 02-40-125-сон маълумотномаси). Натижалар томошабинларни Туркистонда дастлабки шаклланган матбуот, айниқса, миллий матбуот ҳақида маълумотларга эга бўлишларига имкон берди;

илк хусусий ва расмий даврий нашрлар, шунингдек, 1917 йилгача Фарғона водийси миллий матбуотининг шаклланиши, совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва мустақамланиши йилларидаги, яъни XX асрнинг 30-йилларнинг иккинчи ярмидаги даврий матбуот фаолияти ҳақидаги материаллар, шунингдек, Иккинчи Жаҳон уруши йилларида босмаҳона ходимларининг жанг майдонларида кўрсатган қаҳрамонликлари, вилоят, шаҳар ва қуйи ташкилот газеталарининг адади, мавзулари ва янги рукнларидан иборат бўлганлиги ҳақидаги натижалардан Наманган вилояти тарих ва маданият давлат музейи экспозицияларини жиҳозлаш ва шакллантиришда фойдаланилган (Маданият вазирлигининг 2021 йил 17 мартдаги 05-12-08-1452-сон маълумотномаси). Натижалар музейга ташриф буюрувчиларда Фарғона водийсида шаклланган миллий матбуот, унинг иккинчи жаҳон уруши йилларидаги фаолияти ҳақидаги маълумотларга эга бўлишларига ёрдам берган;

XX асрнинг 30-йилларидаги коллективлаштириш, жамоалаштириш, “катта террор” даврида матбуот ходимлари, айниқса, Фарғона водийси

матбуоти ходимларининг қатағонга тортилиши, матбуот органларининг бу йиллардаги фаолияти ҳақидаги натижалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг “1937-1938 йиллардаги сиёсий қатағонлар” бўлимини тўлдиришда фойдаланилди (2021 йил 12 апрелдаги 89-сон Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи маълумотномаси). Музей экспозицияларидан жой олган XX асрнинг 30-йилларида Ўзбекистонда қатағон сиёсатининг янги тўлқини бошлангани ва бу жараёнларда матбуот органларининг иштироки ҳақидаги маълумотларни ўрганилиши совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда бўлган ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан янги тарихий онгни шакллантиришга хизмат қилган;

XIX аср охири – XX аср бошлари Фарғона водийсида кўкконлик тарбиркорлар ташаббуси билан илк маротаба Р.Давидбаев раҳбарлигида иврит ёзувида бухоро-яхудийларининг миллий газетаси ҳамда маҳаллий илғор кучлар томонидан бошқирд татарлари билан ҳамкорликда Кўконда И.А.Минаков, Бельскиецкий ва И.С.Шагиахметов, Фарғонада О.Махмудов, Г.А.Порцев, В.П.Дроздов, М.В.Кац-Нельсон босмаҳоналари ва Наманганда И.Ибротнинг “Матбааи Исҳоқия” номли илк босмаҳоналари ташкил этилгани, уларда нашр этилган матбуот халқнинг сиёсий ва маънавий қарашларига ижобий таъсир кўрсатгани, Иккинчи жаҳон уруши йиллари Намангандаги “За Коммунизм” ва “Сталин ҳақиқати”, Фарғонадаги “Коммунист” ва Андижондаги “Сталинское знамя” газеталарининг умумий ҳарбий соҳадаги мавзулари, динамикаси, сиёсий-ҳарбий рўнлари ошганлиги ҳамда маҳаллий кўнгилли ҳарбий корреспондентларнинг сони кўпайгани, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда халқ хўжалигига йўналтирилган тармоқ газеталар “Совет ипаги”, “Марғилон атласи”, “Пўлат йўлларда”, “Ўрта Осиё йўли”, “Ҳаёти нав”, “Пахта ғалабаси” каби совет мафқурасига хизмат қилувчи матбуот нашрлари кўпайгани, уларга кадрлар тайёрлаш учун колхоз ва совхозларда кўчма редакциялар фаолият олиб борганлиги, бироқ 1970-йиллардан мамлакат бюджетини тежаш мақсадида газеталар сони ва тиражи камайиб, 1980-йилларда газета саҳифаларида жамият сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти акс этган рўнлар кўпайгани ҳақидаги натижалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканалда эфирга узатилган “Тақдимот” кўрсатувининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2022 йил 25 майдаги 06-31-741-сон маълумотномаси). Бу томошабинларни Туркистонда дастлабки шаклланган матбуот, айниқса, миллий матбуот, қолаверса, Фарғона водийсида етишиб чиқган муҳаррирлар, муҳбирлар, фотомуҳбирлар, ҳарбий муҳбирлар ва жамоатчи муҳбирлар ҳақида маълумотларга эга бўлишларига имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та халқаро, 12 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда қилинган маърузаларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация

мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та, жумладан, 4 таси республика ва 4 таси хориж журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 165 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, объекти ва предмети, фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Фарғона водийсида даврий матбуотнинг шаклланиши, асосий босқичлари ва ривожланиш хусусиятлари”** деб номланган биринчи бобида тарихий кетма-кетликда XIX аср охири – XX аср бошлари Туркистонда даврий матбуот шаклланишининг шарт-шароитлари ва хусусиятларини ҳамда унда ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётининг акси, Фарғона водийсида давлат ва хусусий матбуот фаолиятининг асосий босқичлари, миллий даврий матбуот ва матбаа ривожиди муассисларнинг ўрни ҳақидаги масалалар очиб берилган.

Туркистон Россия империяси томонидан босиб олинган, Тошкентга кичик босмаҳона олиб келтирилди, XIX асрнинг иккинчи ярмидан ўлкада дастлабки матбаа корхоналари пайдо бўлиб¹⁵, улар ўз фаолиятини 1868 йилдан бошлади¹⁶. 1869 йилда эса Тошкентга Ўрта Осиёда биринчи газета бўлган - “Туркестанские ведомости” расмий газетасини чиқаришга мўлжалланган яна бир босмаҳона олиб келинди. Босмаҳонага “Туркестанские ведомости” газетасига ўзбек ва қозоқ тилларида иловалар босиб чиқариш учун араб шрифти ҳам олинди. Туркистоннинг биринчи газетаси “Туркестанские ведомости”¹⁷ 1870 йил 28 апрелда нашр этилган бўлиб, Туркистон генерал-губернаторлигининг расмий органи бўлди. Давлатга қаршли газета ва журналлар давлатнинг босма сиёсий органларига айланиб, уларнинг фаолияти расмий ахборот тарқатиш орқали давлат мафкурасини жорий этишга қаратилди. Бошқа газеталардан фарқли равишда 1870-1917 йилларда

¹⁵ Чабров. Г.Н. Из истории полиграфии и издательства литературы на местных языках в революционном Туркестане (1868-1917 гг.). – САГУ, 1954. – С.77-96; Книгопечатание в Средней Азии конца XIX – начала XX вв. – Москва, 1964. – С. 592-593.

¹⁶ Юлдашев З. Развитие книгоиздательского дела в Узбекистане. – Ташкент: Узбекистан, 1969. – С. 10.

¹⁷ Шодмонова С. Архивные документы – важный источник изучения истории периодической печати Туркестана. По материалам Центрального государственного архива Республики Узбекистан // Вестник архивиста. – Москва, 2009. – №3. – С.23-37.

Туркистонда нашр этилган “Туркестанские ведомости”¹⁸ ва “Туркистон вилоятинг газети”¹⁹ газеталари нисбатан узоқ муддатга нашр этилди.

1890 йилларда Туркистонда расмий газеталар билан бир қаторда рус тилида хусусий газеталар, жумладан “На рубеже”, “Кокандские известия”²⁰, “Фергана”²¹, “Новая Фергана”²², “Кокандский листок”²³, “Голос Ферганы”²⁴, “Ферганские отклики”, “Ферганская жизнь”²⁵, “Утро Ферганы”²⁶, “Туркестанский край”²⁷, “Туркестанский голос”²⁸, “Туркестанское слово”, “Русский Туркестан”, “Ташкентский курьер”, “Туркестанский курьер”²⁹ ва “Андижанский листок”³⁰, шунигиндек, Бухоро яҳудийлари тилида “Раҳимим”³¹ чоп этилди. Хусусий газеталар расмий матбуотдан мазмунан кўп қирралилиги, жамиятнинг турли ижтимоий қатламлари томонидан фикрлар тақдим этилиши билан ажралиб турарди, уларнинг етакчилигига эса нафақат моддий таъминот муаммолари, балки цензура босими билан ҳамиша тўсқинлик қилди.

XX аср бошларида жаҳид маърифатпарварларининг ташаббуси ва саъй ҳаракатлари билан “Тараққий” (1906)³², “Хуршид” (1906 й.), “Шухрат” (1907 й.)³³, “Осиё” (1908 й.) каби газеталар яратилди. Бу ўзбек маданияти тарихида муҳим воқеа бўлди: миллий матбуот туғилди. Масаланинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, деярли барча давлат ва жамоат арбоблари, таълим, фан ва маданият вакиллари ўзларининг мақолалари ҳамда бадиий асарлари билан миллий матбуотни шакллантириш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшдилар. М.Бехбудий, И.Ибрат, О.Махмудов, Х.Макаев, Н.Тўрақулов³⁴лар ана шундай давлат ва жамоат арбобларидан эди. 1914-1915 йилларда Туркистонда “Садои Туркистон” ва “Садои Фарғона” газеталари чоп этилди. Шу вақтдан бошлаб жаҳидларни таъқиб қилиш даври бошланганлиги

¹⁸ “Туркистон вилоятининг газети” - первая газета на узбекском языке, начала издаваться с 30 января 1883 г. в количестве 500 экземпляров под редакторством Н.Остроумова.

¹⁹ Шодмонова С. Архивные документы ... – С. 23-37

²⁰ Ўз МА, фонд – И-1, рўйхат – 8, иш – 506, варақлар – 1-5.

²¹ Фергана. 1906. – № 1.

²² Новая Фергана. 1906. – № 1; Ўз МА, фонд – И-19, рўйхат – 1, иш – 28719, варақлар – 4-5, 17-18, 30.

²³ Ўз МА, фонд – И-19, рўйхат – 4, иш – 28853, варақ – 51.

²⁴ Ўз МА, фонд – И-19, рўйхат – 4, иш – 28853, варақ – 58; иш - 153, варақ – 4; фонд – И- 461, рўйхат – 1, иш – 968, варақлар – 13-15.

²⁵ Ўз МА, фонд – И-461, рўйхат – 1, иш – 1764, варақлар – 2-4.

²⁶ Ўз МА, фонд – И-19, рўйхат – 1, иш – 29528, варақлар – 135, 148.

²⁷ Ўз МА, фонд – И-461, рўйхат – 1, иш – 1764, варақлар – 12-14.

²⁸ Ўз МА, фонд – И-19, рўйхат – 4, иш – 29528, варақлар – 135,148, 152; Ўз МА, фонд – И- 461, рўйхат - 1, иш – 1764, варақлар – 12-14.

²⁹ Абдуазимова Н. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Тошкент: Академия, 2002. – Б. 175.

³⁰ Ўз МА, фонд – И- 19, рўйхат – 1, иш –29440, варақ – 138.

³¹ “Рахамим” (ивр. רַחֲמִים). 22 мая 1912. – № 15.

³² Алимова Д.А. Джадидизм с Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость. – Ташкент: Ўзбекистон, 2000. – С.9.

³³ Шодмонова С. Архивные документы ... – С. 37.

³⁴ Алимова Д.А. Джадидизм в Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость. – Ташкент: Узбекистон, 2000. – С.9; Танларган асарлар / Ибрат Исхокхон Тура; отв.редактор: Бегали Косимов. – Тошкент: Маънавият, 2005. – Б.5; Каримов Н. Фарғона жаҳидларининг сарвари // Водийнома. – № 1. – Андижан, 2016; Расулов А.Н., Исокбоев А.А. Татарское просветительство и система национального образования в Туркестане (конец XIX – начало XX вв.) // Историческая этнология. – Москва, 2020. Том V. – № 1. – С. 146; Каримов Н. Назир Турақулов – биринчи ўзбек дипломати. Маориф ва матбуот жаҳаларида // Водийнома. – № 4. – Андижан, 2017. – Б. 20-40.

боис, улар узоқ вақт давомида газета нашрини давом эттира олмадилар. Шундай бўлсада, нашриётни очишга уринишлар қайта-қайта амалга оширилди³⁵. Фарғона водийсида биринчи миллий газеталарнинг асосчилари бўлган, И.Ибрат, О.Махмудовлар ҳукуматга бир неча марта мурожаат қилиб, рад жавобини олдилар. Айни пайтда, ижтимоий-сиёсий, адабий-публицистик жанрларга асос солган журналлар - – “Среднеазиатский вестник” (1896-1897 гг.), “Туркестанский скорпион” (1907 гг.), “Шўро” (1908-1917 йй.), “Средняя Азия” (1910-1911 йй.), “Туркестанский кара-курт” (1911-1912 йй.), “Кара-курт” (1913 йй.), “Степные миражи” (альманах) (1914 йй.), “Ойина” (1913-1915 гг.), “Ал-Ислоҳ” (1915-1917), “Ал-Изоҳ” (1917-1918 йй.), “Кенгаш” (1917 г.)³⁶ яратилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Фарғона водийси Туркистоннинг аҳолиси энг зич жойлашган ҳудудларидан бири бўлиб, 1897 йил 14 октябрда Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори, генерал-лейтенант Швайковский водийдаги аҳвол ҳақидаги Туркистон генерал-губернаторига қилган маърузасида Фарғона водийсининг 1,5 миллиондан ортиқ аҳолиси ўз даврий матбуоти пайдо бўлишига умид қилаётганини қайд этди. 1898 йил 26 июлда Туркистон генерал-губернатори фақат расмий рус тилидаги газеталар нашр этишга рухсат берди. Фарғона водийсининг биринчи расмий нашри “Ферганские областные ведомости” (1906-1917 йй.)³⁷ бўлди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Фарғона водийси матбуоти, ўз тараққиёти олтига йирик босқични босиб ўтди: 1) Россия империяси ҳукмронлиги даврининг даврий нашрлари (1870-1917 йй.); 2) Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва мустақамланиши даврининг матбуоти (1917-1939 йй.); 3) Иккинчи жаҳон уруши даврининг матбуоти (1939-1945); 4) урушдан кейинги йиллар матбуоти (1950-йиллар); 5) “Иликлик” даври даврий матбуоти (1960-1970 йиллар) 6) “Қайта қуриш” даври (1980-йиллар) босма нашрлари.

Литография (тошбосмахона) Ўрта Осиёда биринчилардан бўлиб, 1874 йилда Хивада очилди, XIX асрнинг 70-йиллари охирларида тошбосмахона Бухоро, Самарқанд ва Андижонда³⁸, кейин Қўқон³⁹ (1887 й), Наманганда (1908 й.) пайдо бўлди. Биргина Фарғона водийсининг ўзида кўплаб расмий ва хусусий босмахоналар ишга тушди. И.А.Минаков босмахонаси (1897 й.)⁴⁰, Г.Порцев босмахонаси (1901 й.), М.В.Кац-Нельсон босмахонаси (1907 й.)⁴¹, “Матбааи Исхокия” босмахонаси (1908 й.)⁴², М.Н.Чеканин ва А.П.Рожков⁴³ (1913 г.) босмахоналари ва О.Махмудов босмахоналари (1914 г.) ана шундай

³⁵ Ўз МА, фонд – И – 19, рўйхат – 1, иш – 29440, варақлар – 50,138, 159.

³⁶ Абдуазимова Н. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Ташкент: Академия, 2002. – Б. 175.

³⁷ Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. – Тошкент: Yangi nashr, 2011. – Б. 32-33.

³⁸ Орзиев М.З. XIX аср охири – XX аср биринчи чорагида Бухорода босмахона, нашриёт ва матбуот иши. Т. ф. ф. д. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – Б. 32.

³⁹ Бобохонов А. Ўзбек матбааи тарихидан. – Тошкент: Гофур Ғулом номли Адабиёт ва санъат наш., 1978. – Б. 111.

⁴⁰ Ўз МА, фонд – И-19, рўйхат – 4, иш – 299, варақ – 8.

⁴¹ Ўз МА, фонд – И-19, рўйхат – 1, иш – 28719, варақ – 5; иш - 28796, варақ – 16.

⁴³ Ўз МА, фонд – И-19, рўйхат – 1, иш – 29440, варақ – 94.

босмахоналардан бўлиб қолди. XX аср бошларига келиб Туркистон ўлкасида 60 дан ортиқ босмахоналар ишлаб турган бўлса, Фарғона водийсида 10 ортиғи жойлашган эди⁴⁴. Ушбу босмахоналарда расмий⁴⁵ газеталар билан бир қаторда, рус тилидаги хусусий газеталарни ҳам чоп этилди. 1906 йилда водийда 14 та хусусий рус тилидаги газета нашр этилди⁴⁶, бироқ ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва адабий газета – “Фарғона”, кейинчалик “Новая Фергана”⁴⁷ каби ва яна 11 таси турли сабабларга кўра шу йили ўз фаолиятини тўхтатди. Турли қийинчиликларга, жумладан, ҳукуматнинг доимий назоратига, молиявий қийинчиликларга ва оз сонли ўқувчиларга қарамай, зиёли одамлар миллий матбуотнинг аҳамиятини мукаммал англаб, илғор зиёлиларни газета атрофига тўплашга ҳаракат қилдилар.

Фарғона водийсида “Кокандские известия” (1905 й.)⁴⁸, “Кокандский листок” (1908 й.)⁴⁹, “Голос Ферганы” (1910-1911 йй.), “Наманган” (1913 й.), “Андижанский листок” (1914 й.)⁵⁰, “Листок объявлений, телеграмм и местной хроники”, “Ферганский листок”⁵¹, “Ферганские отклики” (1913-1914 йй.), “Утро Ферганы” (1915 й.) ва “Ферганская жизнь” (1915-1916 йй.), “Ферганская неделя”⁵², “Туркестанский край”⁵³, “Туркестанский голос”⁵⁴, “Туркестанское слово”⁵⁵ каби газеталар ҳам мавжуд бўлган бўлиб, улар хақида архив ҳужжатларида маълумотлар бор.

Умуман, Фарғона водийсидаги даврий матбуотнинг ўзига хос тарихи бўлиб, уташқил топган кундан бошлаб XX асрнинг 80-йилларигача жуда бой тажриба тўплаган ҳолда узоқ йўл босиб ўтди. Энг муҳими, водий даврий матбуоти аҳоли ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим воқеликка айланди.

“Фарғона водийсида даврий матбуот ва матбаа ишлари (1917-1939 йй.)” номланган иккинчи бобда 1917 йилнинг бошларидан 1939 йилгача бўлган даврий нашрлар ва матбаачилик ҳамда уларнинг жамиятни мафкуралаштиришдаги ўрни, матбуот ва матбаа тизимидаги сиёсий таъқиблар, қатағон қилинган соҳа вакиллари ўша давр матбуот нашрлари, архив манбалари ва илмий адабиётлар асосида тадқиқ қилинди.

1917 йил февраль инқилобидан сўнг Туркистон ўлкаси миллий маърифатпарварларнинг ижтимоий фаоллиги ниҳоятда ўсди. Бу инқилобни фарғоналик жадидлар иштиёқ билан кутиб олдилар. Улар томонидан “Кен-

⁴⁴ Балашкин С. На заре Туркестанской печати // Электронный ресурс: <http://mg.uz/publish/doc/text52990>. [Дата обращения: 07.07.2017]

⁴⁵ Акбаров А. Большевицкая печать и революционные движение в Туркестане. - Ташкент: Узбекистан, 1984. - С.15

⁴⁶ Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. –Тошкент: Yangi nashr, 2011. – Б. 42.

⁴⁷ Ўз МА, фонд - И-1, рўйхат - 31, иш - 349, варақ – 1.

⁴⁸ Ўз МА, фонд – И – 1, рўйхат – 4, иш – 904, варақ – 1-2.

⁴⁹ Ўз МА, фонд – И – 19, рўйхат – 1, иш – 28919, варақ – 61; иш – 28853, варақ – 49.

⁵⁰ Ўз МА, фонд – И – 19, рўйхат - 1, иш – 29440, варақлар – 50, 138.

⁵¹ Шодмонова С. Туркистон тарихи – Б. 42; Ферганский листок. (1 январь - 9 январь. 1913 й.)

⁵² Ўз МА, фонд – И – 461, рўйхат – 1, иш – 1764, варақлар – 12-14.

⁵³ Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. – Тошкент: Yangi nashr, 2011. – Б. 45.

⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Миллий кутубхонасида “Туркестанское слово” газетасининг 1917 йилдаги 15 та сони Ф-14 кўшилиш рақами билан сақланмоқда.

⁵⁵ Ўз МА, фонд – И – 19, рўйхат – 1, иш – 29528, варақлар – 148, 160,163.

гаш”, “Юрт”⁵⁶, “Хуррият”, “Тирик сўз”, “Фарғона саҳифаси”⁵⁷ каби янги жаҳид газета ва журналлари чоп этилди. 1917 йилдан жаҳидчилик ҳаракатлари маърифатпарварликдан сиёсий ҳаракат даражасига кўтарилди, бу ҳаракатларда ўлка мусулмонлар кенгаши (Краймусовет) устувор рол ўйнади.

1917 йил 28 ноябрда “Туркистон Мухторияти” тузилгач, ҳукумат томонидан ўзбек, қозоқ ва рус тилларида “Эл байроғи”⁵⁸, “Народное знамя”, “Бирлик туғи”, “Знамя единства”, “Свободный Туркестан”, “Известия Временного правительства Автономного Туркестана» газеталарни чоп этиш йўлга қўйилди. “Улуғ Туркистон” газетаси саҳифаларида Мухтор ҳукумат фаолиятига алоҳида эътибор берилди. Ўлка мусулмонлар Кенгаши Президиуми аъзоси бўлган О.Маҳмудов бўлса нашриёт фаолиятини яхшилаш мақсадида ўз ҳисобидан очган Қўқондаги нашриётини Мухторият тасарруфига ўтказди⁵⁹. Шунингдек, бу йилларда Фарғона водийсида чиққан “Фарғона ахбороти”, “Известия Наманганского Совдепа”, “Фарғона нидоси”⁶⁰, “Ишчилар қалқони”, “Эркинлик”, “Зарбдор”, “Уйғониш”, “Дархон”, “Меҳнат байроғи», “Янги Фарғона”, “Коммуна”⁶¹ каби газеталар маҳаллий тиллардаги биринчи совет газеталари бўлиб қолди.

Наманганда ўзбек тилида “Ишчилар қалқони” газетасининг ташкил этилишида Ҳ.Макаев ва унинг рафиқаси Ф.Макаеванинг⁶², журналист Л.Олимийнинг хизматлари катта эди⁶³. 1918-йил 10-мартда Х.Макаев Намангандаги босмаҳонани яхшилаш мақсадида Қозонга жўнаб кетади. М.Идрисов босмаҳонасидан Наманганга 71 пуд араб шрифтини олиб келади⁶⁴. Бу даврда Наманган босмаҳонасида энг яхши татар ва бошқирд матбаачилари тўпланди. 1921-1928 йилларда Х.Макаев Наманган давлат босмаҳонасини бошқарди. У миллий матбуотнинг аҳамиятини тўлиқ англаган ҳолда ўз атрофига илғор зиёлиларни тўплашга ҳаракат қилди, кейинчалик сиёсий таъқибга учради.

Турли газеталар билан бирга 1920 йиллардан журналлар ҳам нашр этилганини таъкидлаб ўтиш лозим. Масалан, 1927 йилда Ўзбекистонда 24 та журнал, шу жумладан, ўзбек тилида 19 та журнал нашр этилган бўлса, 1920 йилдан Наманганда Х.Йўлдошқориев муҳаррирлигида “Қизил тикан”

⁵⁶ Тоғаев Т.М. Ашуралӣ Зоҳирӣ – жаҳид курашчиси // Материалы IV-форума гуманитарных наук “Великая степь”. II том – Нур-султан, 2019. – С. 415.

⁵⁷ Козаков Т.К. Общественно-политическое положение в Ферганской долине и джадидское движение в начале XX века. Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Ташкент, 2001. – С. 20.

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Миллий кутубхонасида “Эл байроғи” газетасининг 1917-1918 йиллардаги 6 та сони Ф-96 (с. 2.) ва Ф-69 (сб. 1) қўшилиш рақамлари билан сақланади.

⁵⁹ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор: Р.Я.Раджапова. – Ташкент: Шарк, 2000. – С. 99.

⁶⁰ Наманган вилояти давлат архиви (НВДА), фонд – 796, рўйхат – 1, иш- 44, варақлар – 20-21.

⁶¹ Эрназаров Т.Э., Акбаров А.И. История печати Узбекистана. – Ташкент: Ўқитувчи, 1977. – С. 15.

⁶² Расулов А. Исоқбоев А. Туркистон ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида татарлар. – Тошкент, 2019. – Б. 121.

⁶³ Хайдаров М. Биринчи саркотиб // Наманган ҳақиқати. 30 сентябрь. 1970.

⁶⁴ Исоқбоев А. Наманган маорифи ва матбуоти таракқиёти йўлида // Тарих тилга кирганда... Даврий тўплам. – №1. – Наманган, 2007. – Б. 16-19.

журнали фаолият олиб борди⁶⁵. Бу журнал ўша дамларда нозик масалаларни, жамиятдаги иллатларни кўтара олди.

Миллий матбуот ишини юритиш 1927 йил бошида бўлиб ўтган ВКП (б) МК Марказий бюросининг феврал Пленуми қарорлари “муҳим рол ўйнади”. Пленум қарорларида тарғибот-ташвиқот, сиёсий-маърифий фаолият ҳамда республика матбуоти фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берилган эди. Матбуотни лотинлаштириш масалалари кўтарилгач, 1927 йилдан 1928 йилгача газета ва журналларни босқичма-босқич янги алифбога ўтказиш ишлари бошланди. Фарғона водийсидаги “Янги Фарғона”, “Ёш ленинчи”, “Камбағал деҳқон” каби газеталарда ажратилган махсус саҳифалар фақат янги алифбода чоп этилди. Бу полиграфия саноатида турли муаммоларни келтириб чиқарганлиги сабабли ўзбек тилидаги газеталар таҳририятида матн териш учун лотин алифбосида матн териш тажрибасига эга бўлган европалик мутахассислар жалб этилди⁶⁶. 1937 йилда СССРда кирилл алифбосига ўтиш жараёнлари бошлангач, лотинлаштириш ишлари аҳамиятсиз бўлиб қолди. Фарғона водийсида ҳам ўзбек тилидаги газета ва журналлар навбатма-навбат кирилл алифбосига ўта бошлади. Бу халқнинг маданий тараққиётига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган соф сиёсий ислохот эди. Айни пайтда оммавий ахборот воситалари устидан партия назорати сезиларли даражада кучайиб борди.

